



## ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛГАН ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ МУОМАЛАСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ачилов Исмоил Бекназарович

ИИВ Академияси магистратура Ташкилий-тактик бошқаруви мутахассислиги тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20353370>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 19-may 2026 yil

Ma'qullandi: 21-may 2026 yil

Nashr qilindi: 23-may 2026 yil

### KEYWORDS

интернет, кибержиноят, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, darknet, криптовалюта, тезкор-қидирув фаолияти, киберхавфсизлик, рақамли криминалистика.

### ABSTRACT

Мазкур илмий мақолада интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилаётган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик ва ҳуқуқий хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мазкур соҳани тартибга солувчи нормалар, хорижий давлатлар тажрибаси, халқаро ҳуқуқий механизмлар ва олимларнинг назарий ёндашувлари асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ёритилган. Мақолада интернет орқали наркотик воситалар савдосига қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар илгари сурилган.

XXI асрда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши жамиятнинг барча соҳаларида рақамлаштириш жараёнларини тезлаштирди. Интернет тармоғи иқтисодиёт, таълим, молия ва давлат бошқаруви соҳаларида улкан имкониятлар яратган бўлса-да, ундан жиноий мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам кенгайиб бормоқда. Айниқса, интернет орқали гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси замонавий жиноятчиликнинг хавfli кўринишларидан бирига айланди.

Бугунги кунда Telegram, WhatsApp, Instagram, TikTok каби ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар, шунингдек darknet платформалари орқали наркотик моддалар савдосини ташкил этиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Мазкур жиноятлар юқори даражадаги латентлик, трансмиллий хусусият ва анонимлик билан ажралиб туради. Бугунги кунда республикамизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан интернет тармоғидан фойдаланиб гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг савдосини аниқлаш, уларни фош этиш, шу турдаги жиноят содир этган шахсларни шахсини аниқлаш борасида кенг қамровли тезкор-қидирув ва профилактик тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Мамалакатимизда бу илатга қарши кескин чоралар кўриомоқда. Шу билан бирга халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда халқаро

формлар ўлказилиб келинмоқда. Бунга 2026-йил 20-21 апрел кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда “Трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш: саломатлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланиш” мавзусида глобал форумни мосил сифатида қўсатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш” мавзусидаги халқаро форум иштирокчиларига мурожаатидаги маърузасида “2025 йилда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 15 мингдан зиёд наркожиноят фош этилди, қарийб 3,5 тонна гиёҳвандлик воситалари, жумладан, 120 килограмм синтетик наркотиклар йўқ қилинди, 14 та яширин нарколаборатория ва 72 та йирик интернет дўкони фаолиятига чек қўйилганлигини” таъкидлаб ўтди<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган наркотик жиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш илмий ва амалий аҳамиятга эга долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари билан боғлиқ вазият доимо давлат ва жамиятнинг алоҳида эътиборида бўлиб келади. Ҳозирги вақтда давлат ва жамоат тузилмалари томонидан гиёҳвандлик таҳдидига қарши курашишнинг ягона тизимини яратиш бўйича бир қатор ташкилий-ҳуқуқий, профилактик ва иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу тизимда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомала қилинишига қарши курашишнинг асосий йўналишларидан бири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мазкур жиноятларни олдини олиш ва аниқлашдан иборат. Ўтказилаётган чора-тадбирларга қарамай мазкур турдаги қонунбузарлик йилдан йилга ошиб бормоқда. Ахборот технологиялари ривожланган бугунги кунда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси, халқаро терроризм, қурол-яроқ савдоси ва бошқа шу каби жиноятларни содир этишда интернет тармоқларидан фойдаланиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф савдоси анъанавий наркотрафикдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

- жиноятчиларнинг анонимлиги;
- электрон тўлов воситаларидан фойдаланиш;
- криптовалюталар орқали ҳисоб-китоблар;
- VPN ва TOR технологиялари орқали шахсни яшириш;
- трансчегаравий характерга эгалиги;
- “закладка” усулининг қўлланилиши.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш” мавзусидаги халқаро форум иштирокчиларига мурожаати; <https://president.uz/uz/lists/view/9118>

Юқоридаги усулларни қўллаб гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг савдосини амалга ошириш бу турдаги жиноятларга қарши кураш фаолиятини бир мунча қийинлаштиради.

Юридик адабиётларда олимлар томонидан ушбу жиноятларни келиб чиқиш сабаблари юзасидан турли хил фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Жумладан А.И.Долгованинг фикрича, “кибермакондаги наркотик жиноятлар юқори даражадаги латентлик ва технологик мураккаблик билан тавсифланади”. [2]

Н.А. Лопашенко таъкидлаганидек, “Рақамли технологияларнинг тараққиёти наркотик бизнеснинг виртуал муҳитга кўчишига сабаб бўлмоқда”.

Юқоридаги олимларни фикрига қисман қўшилган ҳолда шуни таъкилаб ўтиш лозимки интернет тармоқлари гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга хилоф муомаласи учун кенг имконият яратиб берадиган маконга айланди.

Интернет тармоғи орқали содир этиладиган гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласи қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

биринчидан, ушбу турдаги жиноятларда виртуал муҳит — интернет тармоғи асосий жиноят содир этиш воситаси сифатида қўлланилади. Бу эса жиноятчиларга ўзларининг ҳудудий чекловларсиз фаолият юритиш имкониятини беради;

иккинчидан, жиноят иштирокчилари (сотувчи, харидор, тарқатувчи) ўзаро алоҳида рол тақсимолига эга бўлган ҳолда фаолият юритадилар ва уларнинг ҳар бири, одатда, бошқалари билан жисмонан учрашмасдан, фақат рақамли алоқа орқали ўзаро муносабатда бўладилар;

учинчидан, ҳисоб-китоб операциялари асосан криптовалюта (биткойн, монеро, эфириум) ёки бошқа анонимлаштирилган тўлов тизимлари орқали амалга оширилади. Бу эса пул маблағларининг ҳаракатини кузатиш ва уни белгилаб олишни жиддий мураккаблаштиради;

тўртинчидан, гиёҳвандлик воситаларини харидорга етказиб бериш одатда “тайник” (кладмен) усули орқали амалга оширилади. Бунда сотувчи маҳсулотни махсус жойга яшириб қўяди, унинг тахминий координаталари (геолокацияси) ёки фотосуратини харидорга жўнатади, харидор эса белгиланган жойдан товарни ўзи топиб олади. Натижада сотувчи ва харидор бир-бирларини жисмонан кўрмайдилар;

бешинчидан, бу турдаги жиноятларни фош этиш учун рақамли изларни (электрон ёзишмалар, IP-адреслар, криптокошельк операциялари ва ҳ.к.) аниқлаш, тўплаш ва процессуал расмийлаштириш бўйича алоҳида тактик-методик услублар талаб этилади;

олтинчидан, ушбу турдаги жиноятларнинг кенг тарқалиши ёшлар орасида гиёҳвандликка “осон” ва “анонимлик” тарзида ёндашув шакллантирмоқда, бу эса жамият учун жиддий ижтимоий хавф туғдирмоқда.

Юқорида қайд этилган хусусиятлар интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласини анъанавий гиёҳванд савдосидан принципиал тарзда фарқлайди ва ушбу турдаги жиноятга қарши курашишда махсус ҳуқуқий, ташкилий ва тактик ёндашувларни талаб этади.

*Интернет орқали наркотик воситалар тарқатилишига қарши курашишдаги муаммолар қуйидагиларни ташкил қилади.*

1. Жиноятларнинг юқори латентлиги

Интернет орқали содир этиладиган наркотик жиноятларни аниқлаш анъанавий жиноятларга нисбатан анча мураккаб ҳисобланади. Жиноятчилар аноним аккаунтлар ва VPN хизматларидан фойдаланади.

2. Криптовалюталардан фойдаланиш

Bitcoin, Monero ва бошқа криптовалюталар орқали амалга ошириладиган тўловлар молиявий мониторинг тизимини чеклаб қўймоқда.

3. Халқаро ҳамкорликнинг етарли эмаслиги

Кибержиноятлар трансмиллий характерга эга бўлгани сабабли давлатлараро тезкор ахборот алмашинуви муҳим аҳамият касб этади.

4. Рақамли криминалистика соҳасида мутахассислар етишмаслиги

Кибержиноятларни тергов қилиш учун юқори малакали IT-мутахассислар ва рақамли экспертлар талаб этилади.

5. Сунъий интеллект технологияларидан жинойи мақсадларда фойдаланиш

Сўнгги йилларда автоматлаштирилган ботлар ва шифрланган дастурлар ёрдамида наркотик моддалар савдосини ташкил қилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилаётган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи замонавий жиноятчиликнинг энг хавfli кўринишларидан бири ҳисобланади. Мазкур жиноятларга қарши самарали курашиш учун ҳуқуқий, ташкилий ва техник механизмларни комплекс равишда такомиллаштириш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳада муайян ҳуқуқий база шаклланган бўлса-да, рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши қонунчиликни мунтазам модернизация қилишни талаб қилмоқда. Шунингдек, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва рақамли криминалистика соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2014. – № 20. – 221-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2016. – № 38. – 438-м.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6.– 70-м.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2022.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т., 2017. – Б. 104.
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи. – 2017. – 8 янв.

8. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак // Халқ сўзи. – 2017. – 10 фев.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – Б. 488.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.//URL: <http://www.lex.uz/acts/111453>.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // URL: <http://www.lex.uz/acts/111460>.

